Тип 4. Садово-парковый ансамбль из садов «Чор-баг» и «Хиабанов». Рекомендуется размещать данный тип за городом, т.к. он включает в себя интенсивные сады и территории фермерских хозяйств.

II. *Теоретическими основами композиции являются:*

а) а. Единство, которое должно проявляется через гармонию между планом сада, водой и растениями; включением в план садовых павильонов водных устройств, растительного орнамента в интерьеры и экстерьеры;

б) Соразмерность – пропорциональное деление территории, используя метод «ключевого модуля»- отправной единицы проектирования- которой должны быть кратны параметры сада и зданий в нем.

- с) Симметрия – объединяет, уравнивает композицию, расположение растений, лужаек, дворца или мавзолея, подчеркивает их значимость, место главного входа.
- д) Стилль. Устойчивая общность художественных приемов, средств формообразования сада «Чор-баг».
- е) Таинственность. Планировка входной части сада, имеет затемненную входную группу с коленчатым проходом, позволяющий создать эффект неожиданного раскрытия, позволяет увеличить эмоциональное воздействие.

III. При проектировании сада решающее значение имеет точный геометрический рисунок основного плана. В условиях поливного земледелия геометрический рисунок сада определяется практическими требованиями ирригации. «Чор-баг» с соразмерными участками, определенным модулем, имеющие квадратные или прямоугольные очертания, с четырех члененным или решетчатым планом, увязываются с рельефом участка. На ровной площадке сад должен иметь композицию симметричных планов, формирующихся вдоль пересекающихся осей. На рельефе, соподчиняясь с природой, быть террасным, выделяя главную ось.

IV. Параметрами садов, определяются как пешеходной доступностью, так и восприятия, должны иметь следующие рекомендуемые размеры: малые - 200х300, 300х300, 400х400 и большие - 400х500м. Крупные сады (1000х1000, 1000х1500м) состоят из стилистически единых, композиционно объединенных малых и больших садов. Бульвары- «Хиабаны» в зависимости от конкретных градостроительных условий проектируются шириной 50х150м и протяженностью от 3х до 5 км.

V. Водные устройства. Ценнейшим и определяющим элементом служит проточная вода – главный композиционный акцент «Чор-багов». Центральный бассейн или фонтан с отходящими от него четырьмя водными каналами и дорожками, идущими из центра к периметру сада, делит сад на участки «Чаманы» и «Чорчаманы». Вода в садах имеет концепцию «движение–покой–движение». Необходим баланс между ними, для чего на перепадах рельефа используются каменные резные плиты по которым течет испаряясь вода. На ровных участках создаются бассейны с каменной площадкой для отдыха. Отдается предпочтение квадратным, прямоугольным или восьмиугольным формам фонтанов.

VI. Озеленение сада «Чор-баг». Сад состоит из цветов, кустарников, деревьев как декоративных, так и плодовых, подбираемых с учетом непрерывности цветения и вызревания плодов. Озеленение усыпальниц ограничивается цветами и декоративными деревьями. Ландшафтная схема «Хиабана», как линейного сада сводится к системе малых садов – микроландшафтов объединенных общим стилем, связями частей в целое.

Поскольку идея «Чор-бага» и «Хиабана» вытекает из противопоставления экстремальной наружной среде прохлады, тени, растений, с проточной водой, то включение элементов «дикой природы»,

растения пустынь: кактус, опунция, агава не уместны. Ниже приведены следующие рекомендации по подбору растений для озеленения Чор-багов:

- а) Высококронные деревья (белый тополь, чинара, кедр, каштан, японская софора, ясень, дуб) высаживаются вдоль периметра стен сада, или аллеи «Хиабанов». Центральные участки, обсаживаются плодовыми деревьями. Посадкой кипариса, сосны зонтичной, можжевельника подчеркивают главные аллеи, усиливают выразительность сада.
- б) Кустарники (шиповник, японская айва, сирень, олеандр, гибискус, гардения, раkitник, мирт, бульдонеш) оттеняют планировку сада. Так как в традиционном саду «Чор-баг» не должно быть статуй, топиарная стрижка самшита, тиса, можжевельника ограничивается формами, ассоциирующимися с формами архитектуры, что является одним из средств гармонизации зелени и садовых зданий.
- с) Цветы. В резко-континентальных климатических условиях Средней Азии, с жарким и засушливым летом, в большинстве случаев лишь весной и осенью наступает огромное разнообразие продолжительного цветения: селекционные сорта роз, тюльпанов, гвоздик; гиацинты, жасмин, нарциссы, фиалки, изобилие акации, анемоны, лилии, ирис, мак, ромашка, олеандр и розмарин. Из трав широко распространились: мята, райхан, майоран, тимьян и шафран.

VII. *Архитектура садовых зданий* базируется на пропорциональном строе форм. Дворец или мавзолей, размещаясь на возвышении, должен иметь промежуточное пространство в виде площадки с водоемом и айван, что позволяет сидящему в тени наслаждаться прохладным ветерком, созерцая цветущий сад. Гармония между водой, растениями и архитектурой достигается введением в план дворца небольшого бассейна с фонтаном или включения рисунка растительного орнамента в украшение интерьеров и экстерьеров. Углубления в стенах в виде ниш, арок, проемов, облицованных изразцами, служат рассеиванию солнечного света, проникновению прохладного воздуха, средством достижения сомасштабности с окружением.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В результате исследований, проведенных по теме "Концепция возрождения садово-паркового искусства Темуридов в ландшафтной архитектуре Узбекистана" были сделаны следующие выводы:

1. Типология архитектурно-организованных садов «Чор-баг» и бульваров «Хиабан» сформировалась в XIV-XV вв. при взаимовлиянии искусств Среднего Востока и Средней Азии, зодчим и садоводам которых в свою очередь были известны приемы обустройства древних садов: Месопотамии (2250-626 гг. д.н.э.), Древнего Египта (XX-XV в. д.н.э.); Древнего Китая (XII в. до н.э. - XII в. н.э.), Вавилона (604-562 гг. до н.э.), Охотничьих парков («пайридезов») Ахеменидов (600-486 гг. д.н.э.), Священных рощ (Геррон)

Древней Греции (V-Пв.д.н.э.), Республиканского Рима (I в.д.н.э.- IV в.н.э.), Средневековой Японии (VIII-XII в.н.э.), Исламские сады Мавританской Испании (XIII-XV вв.), влияние Корана и Хадисов (VII-VIII вв.н.э.).

2. Садово-парковое искусство достигает своих вершин в период правления Амира Темура и Темуридов в Мавероннахре (XIV-XV вв.), Сефевидов в Иране (XVI-XVII вв.) и Бабуридов – в Северной Индии (XVI-XVII вв.). Архитектурный сад «Чор-баг» стал официальным художественным стилем паркостроения, составил неотъемлемую часть культурного наследия, служил потребностям в уединении, созерцании природы, проведении коронации, празднеств и как окружение усыпальниц падишахов.

3. Новаторство Темуридов выразилось в закладке в XIV-XV вв. «гирлянды» садов в пригородах Самарканда и Герата соединявшиеся бульварами – «Хиабанов» между собой и городом. Нововведением же Сефевидов же в Исфахане послужило объединение двух традиционных форм: сада «Чор-баг» и бульвара «Хиабана» в садово-парковый ансамбль – «Шахар-баг» – уникальное явление для садово-паркового искусства XVII в.

4. В отличие от среднеазиатских и иранских садов, в Бабуридских садах произошло усиление роли и культа воды, регулярности планировки, монументализация садовых зданий; масштабы и назначение садов позволили увеличить площадь открытых пространств, размер каналов, бассейнов; введено иерархическое использование цвета камня в садовых зданиях.

5. По функциональному признаку и размещению в плане городов и пригородов архитектурно-организованные сады «Чор-баг» и бульвары «Хиабаны» были подразделены диссертантом на четыре типа: 1) Загородные; 2) в составе общественных зданий; 3) бульвары; 4) ансамбль из садов и бульваров.

6. В результате исследования и обобщения в сводную таблицу типов, параметров и приемов построения 38 садов «Чор-баг» и бульваров «Хиабан» Средней Азии, Среднего Востока, Северной Индии и Пакистана уточнены закономерности архитектурно-планировочного и ландшафтного решения, рекомендованы для будущего проектирования размеры малых, больших и крупных садов «Чор-баг».

7. Планировочного анализа, выполненный диссертантом, выявил единый метод «ключевого модуля» проектирования, которому должны быть кратны основные параметры проектируемого сада и садовых зданий. В условиях ценного орошаемого земледелия геометрический рисунок сада определяется практическими требованиями ирригации. На ровной площадке сад должен иметь композицию симметричных планов, формирующихся вдоль пересекающихся осей. На рельефе, соподчиняясь с природой, быть террасным, выделяя главную ось.

8. Выявлено, что ценнейшим и определяющим элементом «Чор-багов» и «Хиабанов» служит проточная вода – главный композиционный акцент. Сад «Чор-баг» должен состоять из цветов, кустарников, деревьев, как декоративных, так и плодовых, подбираемых с учетом непрерывности

цветения и вызревания плодов. Гармония между водой, растениями и архитектурой достигается введением в план дворца небольшого бассейна с фонтаном или включения рисунка растительного орнамента в украшение интерьеров и экстерьеров.

9. Даны рекомендации по выбору растений (высококронные деревья, кустарники и цветы), а также методы их посадок для организации благоприятного микроклимата (оазиса) в условиях резкоконтинентального климата Узбекистана, что послужит улучшению экологии городов.

10. В научной работе обоснована экономическая целесообразность возрождения в ландшафтной архитектуре Узбекистана садов «Чор-баг» и бульваров «Хиабан», которые за счет высокого уровня благоустройства способны обеспечить отдых большего числа людей на меньшей территории.

11. Создание традиционных садов при этнографических музеях, организация при садах «Чор-баг» мест проведения официальных приемов и национальных праздников и торжеств: дня «Независимости», «Навруз», «Ер Саховати», «Рамазан» и «Курбан-хаит» обогатит и усовершенствует индустрию туризма Республики, создаст новые туристические маршруты, привлечет капитал инвесторов.

12. Общность стиля, эстетических принципов построения памятников архитектуры XIV-XVII вв. и садов «Чор-баг» дает основание полагать, что именно они могут служить историческим памятникам архитектуры гармоничной средой. Рациональная, регулируемая система ирригации садов Чор-баг предотвращает замачивание, проседание основания, а значит и разрушения исторических памятников архитектуры, что соответствует Закону Республики Узбекистан от 14.10.2009г. «Об охране и использовании объектов культуры».

Диссертант Садикова С.Н. выражает надежду, что возрождение садов «Чор-баг» и бульваров «Хиабан» Темуридов послужит повышению качества жизни народа путем удовлетворения рекреационного спроса населения и совершенствования внутреннего и внешнего эко - туризма Республики Узбекистан.

**ТОШКЕНТАРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.А.11.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

САДИКОВА СИТОРА-БОНУ НЕМАТДЖОНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИДА ТЕМУРИЙЛАР
БОҒ-ПАРК САНЪАТИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ
КОНЦЕПЦИЯСИ**

**18.00.02– Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар жойларини
режалаштириш. Ландшафт архитектураси.
Био ва иншоотлар архитектураси.**

**АРХИТЕКТУРА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Архитектура фанларибўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/А4рақам билан рўйхатга олинган

Диссертацияси Самарқанд давлат архитектура–қурилиш институтида бажарилди.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб – саҳифанинг <http://www/taqi/uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgankengashlar/avtoref.html> ҳамда “ZIYONET” ахборот–таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Уралов Ахтам Синдарович
архитектура фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Салимов Орифжон Муслимович
архитектура фанлари доктори, профессор

Умаров Азиз Мирфозилович
архитектура номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академияси “Санъатшунослик” институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура–қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.A.11.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил « 7 » Апрель соат 10.00 да мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13уй. Бош ўқув биноси, кичик мажлислар зали. Тел.: (+99871) 241-10-84, факс: (+99871)241-13-90. Web: www.taqi.uz, E-Mail:info@taqi.uz)

Диссертация билан Тошкент архитектура–қурилиш институти Ахборот - ресурс марказида танишиш мумкин (9 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13уй. тел.: +99871 241-10-84).

Диссертация автореферати 2018 йил « ___ » _____ куни тарқатилди.

(2018 йил « ___ » _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.Қ. Аҳмедов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, арх.д., профессор

Т.Ш. Маматмусаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, арх.н.

Т.А. Хидоятлов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, арх.д, профессор

КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё замонавий шаҳарсозлик амалиётида атроф-муҳитни ташкил этувчи, архитектурани табиат билан узвий уйғунлаштирувчи, очик муҳитлар композициясини яратувчи экологик самарадор йўналиш – ландшафт архитектураси жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Унинг бош мақсади шаҳарсозлик тизимида экологик мувозанатни яхшилаш ва рационал ландшафт архитектурасини барқарорлаштиришдан иборат. Ҳозирда дунё шаҳарсозлигида ландшафт архитектурасини шакллантириш тажрибаларига асосланган самарали усулларни тадқиқ қилиш ва бунда миллий анъаналарга эътибор бериш эҳтиёжи туғилмоқда.

Жаҳон миқёсида ландшафт архитектурасидан оқилона фойдаланиш юзасидан олиб борилаётган тадқиқотларда ландшафт дизайни, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламлаштириш ишлари эстетик савиясини такомиллаштиришда соҳадаги меъёрий ҳужжатларнинг тўлақонли шаклланти-рилмаганлиги, анъанавий боғ-парк санъатини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ва самарали йўллари комплекс ўрганилмаганлиги натижасида бир қатор, жумладан Ўзбекистон ландшафт архитектурасини янада такомил-лаштириш ва ривожлантириш, уларнинг режавий ечимлари сифатини оширишга йўналтирилган шаҳарсозлик талаблари ва қоидаларининг яратилмаганлиги каби муаммолар юзага чиқмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамызда ландшафт архитектурасини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилганда ва боғ-парк санъатини янада такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. «Ҳаётнинг ўзи, ўтган йилларнинг тажрибаси, биздан минтақаларда комплекс ривожлантиришнинг жиддий муаммоларини ечишни таъминлаш, инфраструктураларни қайта тиклашни талаб этмоқда»³⁷. Бу борада архитекторлар олдида шаҳар ва қишлоқлар ландшафт архитектурасини қайта режалаштиришда шаҳарсозликнинг қадимий усуллари, жумладан анъанавий боғ-парк санъатини ҳисобга олиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини қайта тиклаш вазифалари турибди. Шу муносабат билан бугунги кунда анъанавий “Чорбоғ” услубининг генезисини ва ландшафт архитектураси соҳасида миллий мероснинг самарали усулларини такомиллаш-тириш зарурати туғилмоқда. Бундай долзарб вазифаларини ечишнинг йўлларида бири сифатида Ўзбекистон ландшафт архитектурасини такомиллаштиришда Темурийлар боғ–парк санъатини қайта тиклаш зарурлигига катта эътибор қаратилаётганлигини эътироф этиш зарур.

³⁷Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.Халқ сўзи, 11 январь, 2017й. –Б.3.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПФ-5030-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 августдаги 223-сонли «Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида» ги Қарори, шунингдек шаҳарларни ободонлаштириш ва кўкаламлаштиришга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, анъанавий ландшафт архитектураси объектларини лойиҳалаш ва такомиллаштиришда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг ППИ 5.9 “Ўрмон хўжалигини узвий ривожлантириш, тоғ ва сахро ҳудудларининг ўрмон экотизимини қайта тиклаш, ўрмондан ёғоч ва ноёғоч маҳсулотларни олишнинг альтернатив усуллари ва технологияларини яратиш, ландшафт дизайнида манзаравий боғдорчилик ва агротехнологияларни ривожлантиришнинг илмий услубларини ишлаб чиқиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрта асрларда боғ-парк қурилиши санъатини ёритиб беришга ўрта аср тарихчиларидан Муҳаммад ибн Арабшоҳ³⁸, Шарафиддин Али Яздий³⁹, Муҳаммад Наршахий⁴⁰, Хофизу-Абру⁴¹, Заҳириддин Муҳаммад Бобур⁴² ўз хиссаларини қўшганлар. Айни пайтда, Ўрта Осиё боғ ва паркларини тадқиқ қилишда В.В. Бартольд⁴³, В.Л. Вяткин⁴⁴, М.Е. Массон⁴⁵, И.А. Сухарев⁴⁶, А.Ю. Якубовский⁴⁷, Г.А. Пугаченкова⁴⁸, А.А. Беленицкий⁴⁹, М.С. Булатов⁵⁰, А.С. Уралов⁵¹, Д.А. Нозилов⁵², Т.Ш. Ширинов⁵³,

³⁸ Ibn Arabsah Ahmed. *Temerlan or Timur the Great Amir.* / Transl. by J. H. Sanders. – London, 1936.

³⁹ Шарафад-дин Али Язди. «Зафар-наме» – Книга побед Амира Тимура. / Перевод со староузбекского.

⁴⁰ Наршахий. *История Бухары.* Пер. Н. Лыкошина. -Т., 1897, с.69.

⁴¹ Хафизу-Абру. *Cing Opuscules de Hafiz-e Abru Consenant d' histaire de l'Iran an temps de Tamerlan.* Ed.F. Tauer. «Arhiv Orientalni», suppl.V. - Praha,1959.

⁴² Захир ад- дин Муҳаммад Бобур. «Бобур-Наме». Перевод Солье. Издание второе.- Т., 1993.

⁴³ Булатов М.С. Сады и парки Темура и Темуридов. // Маскан журналы, №2. 1993.

⁴⁴ Вяткин В.Л. Материалы к исторической географии Самаркандского вилайета./ Справочная книжка. //VII.-Самарканд, 1902, с.23.

⁴⁵ Массон М.Е. Труды среднеазиатского Государственного университета «Археология Средней Азии»./Изд: САГУ. /Новая серия выпуска XLIX. Гуманитарные науки кН.6.– Т., 1953, с.172.

⁴⁶ Сухарев И.А. Дворец-сад Тимура Давлет-Абад. Отд. оттиск из трудов УзГУ, Новая серия, 11. выпуск 2.-Самарканд, 1940, с. 1-6.

⁴⁷ Якубовский А.Ю. Мастера Ирана в Средней Азии при Темуре. Иранское искусство и археология. - М.-Л, 1939.

⁴⁸ Пугаченкова Г.А. Среднеазиатские сады и парки. // Из художественной сокровищницы Среднего Востока. – Т., 1987. – С.185-214.

⁴⁹ Беленицкий А.М. Историческая топография Герата, стр. 194

⁵⁰ Булатов М.С. Мавзолеи Самарканда – жемчужина архитектуры Средней Азии. Из-во Гафур Гуляма., 1976.

⁵¹ Уралов А.С. “Чорбоғ” услубидаги тарихий боғларнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимларига хос асосий тамойиллар. // Архитектура, Қурилиш, Дизайн журналы. – Т.: ТАҚИ, 2010, № 1-2. - 23-26 б.

П.Ш., Зоҳидов⁵⁴, Т.Ф. Қодирова⁵⁵, Ў. Алимов⁵⁶, М.К. Аҳмедов⁵⁷, Л.А. Адилова⁵⁸, М.С. Тахтаходжаева⁵⁹, Ш.Д. Асқаров⁶⁰, М.А. Юсупова⁶¹, К.Д. Рахимов⁶², В.В. Дормидонтова⁶³, Т.Ш. Маматмусаев⁶⁴, Н.В. Дробченко⁶⁵ каби олимларнинг ҳиссаси бекиёсдир.

Вашингтонда Dumbarton Oaks “Ислом боғи” даврий нашри мавжуд бўлиб, унда анъанавий жаннат боғлари: «Форсий боғ: “Боғ” ва “Чорбоғ”», “Исломдаги самовий боғ”, “Ердаги жаннат”, “Форсий адабиётлардаги боғлар”, “Мўғул боғларининг ривожини” мавзуларидаги тадқиқот натижалари нашр этилмоқда. Калифорния Университетида Берклей шаҳри “Илк Парадиз боғлари”, “Ислом боғлари ва ҳовлилари”, “Ердаги жаннат” мавзуларидаги тадқиқотлар олиб борилмоқда. Янги Дехлидаги “Қишлоқ хўжалиги Тадқиқотлари Кенгаши”да боғлар бўйича таниқли олим M.S. Randhava ўзининг кўп йиллик илмий тадқиқотларини ўтказган. Sajjad Kausar, J.Wescoat, J.Michael Brandлар Лаҳор шаҳридаги Шалимар боғини тадқиқ қилиб илмий мақолалар, рисоалар ва китоблар чоп эттирган.

Бироқ, “Чорбоғ” услубидаги меъморий ташкиллаштирилган боғларнинг келиб чиқиш тарихий илдизлари, Ўрта Осиё, Ўрта Шарқ, Мавритан Испанияси ва Шимолий Ҳиндистон мамлакатлари боғ-парк қурилиши маданиятининг ўзаро таъсири, Ўзбекистон ландшафт архитектурасида Темурийлар даври боғ-парк санъатини қайта тиклаш концепциясини ишлаб чиқиш масалалари ҳозиргача ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўрта Осиё ўрта асрлар ландшафт архитектурасида қўлланилган “Чорбоғ” услубини замонавий боғ-истироҳатчилик амалиётида қайта тиклаш” (2009–2011 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

⁵² Нозилов Д.А. Чор-баг. - Т.: ДТУ, 1997.

⁵³ Ширинов Т.Ш., Бердимуродов А.Амир Темурнинг боғ-саройлари. - Самарқанд, 1996.

⁵⁴ Захидов П.Ш. Великий кешк Дилкушо. Часть 1 и 2. - Т., 2007.

⁵⁵ Қодирова Т.Ф., Маматмусаев Т.Ш. Улуғбек даврида боғсозлик санъати. // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши №6, 2009.

⁵⁶ Алимов Ў. Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда боғчилик хўжалиги тарихи. – Т., 1984.

⁵⁷ Аҳмедов М.К. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. - Т., 1996.

⁵⁸ Адилова Л.А., Латипов Д.В., Турсунов Х.К., Сатарова К.Д. Методика формирования ландшафтно-рекреационных систем.- Т; 2007. стр. 9

⁵⁹ Тахтаходжаева М.С. Общее в архитектурно-планировочных приемах садово-паркового искусства Средней Азии XIV- XV вв. и Индии XVI- XVII вв. // Градостроительства и архитектура. - Т., 1989.

⁶⁰ Асқаров Ш.Д. Регион-пространство-город. –М.: Стройиздат, 1988, с.123.

⁶¹ Юсупова М.А. Традиции архитектурного сада “Чорбаг” в зодчестве Бухары XVI-XVIII вв. // Средняя Азия: археология, история и культура. – М., 2001.

⁶² Рахимов К.Ж., Уралов А.С. Шарқ мамлакатларининг боғ-парк санъати. Ўқув қўлланма. – Т., 2011.

⁶³ Дормидонтова В.В. История садово-парковых стилей. Учебное пособие. – М., 2004.

⁶⁴ Маматмусаев Т.Ш. Улуғбек даври архитектураси. Номзод. дисс. автореферати. – Т., 2011.

⁶⁵ Дробченко Н.В. История становления и пути развития ландшафтной архитектуры в Узбекистане. Автореферат канд. дисс. -Ташкент, 2004.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон замонавий ландшафт архитектурасида Темурийлар даври анъанавий боғ-парк санъатини қайта тиклашнинг самарали йўллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

меъморий ташкиллаштирилган боғларнинг келиб чиқиш генезисини кўриб чиқиб, Қадимги Миср, Месопотамия, Форс, Юнонистон, Рим, Хитой ҳамда ўрта асрлардаги Япония ва Мавритан Испанияси боғларини ташкиллаштириш усулларининг XIV-XVI асрлар ўрта Осиё “Чорбоғ” ва “Хиёбон”ларининг шаклланишига таъсирини илмий асослаб бериш;

Ўрта Осиё, ўрта Шарқ, Мавритан Испанияси ва Шимолий Ҳиндистон мамлакатларининг ўрта асрлар боғ-парк санъати ва архитектурасидаги ўзаро боғлиқликларни аниқлаш;

XIV-XVI асрларда меъморий шаклланган “Чорбоғ” ва “Хиёбон”ларнинг режавий ечимларини, фазовий ташкиллаштириш усулларини аниқлаш;

Ўзбекистон ландшафт архитектурасида Темурийлар боғларини қайта тиклаш омилларини аниқлаш;

замонавий ландшафт архитектурасида Темурийларнинг айрим боғларини қайта тиклаш бўйича лойиҳавий таклифлар тузиш учун зарур моделларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қадимги Сўғд, Хоразм (XII-XIII аа.), Мавритан Испанияси (XIII а.), Мовароуннахр (XIV-XV аа.), Эрон (XV-XVII аа.), Шимолий Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистон (XVI-XVII аа.)да меъморий шаклланган боғлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон замонавий ландшафт архитектура-сида Темурийлар боғларини маданий мерос объектлари тарзида қайта тиклашнинг самарали йўллари такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида статистик, қиёсий, интернет ва архив материаллари, XV аср миниатюраларини ўрганиш, бизгача сақланган “Чорбоғ”лар ва “Хиёбон”ларнинг хажмий-режавий ташкиллаштирилиши, тархлари, кўкаламлаштириш ечимларини таққослаш, уларни графо-аналитик усулда тадқиқ қилиш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қадимги Миср, Месопотамия, Қадимги Форс, Юнонистон, Рим, Хитой, Сўғд ҳамда Япония ва Мавритан Испанияси ўрта аср боғларининг Темурийлар “Чорбоғ”лари ва “Хиёбон”ларининг шаклланиши ва ривожланишига, боғ-парк қурилиши ва шаклланиш усулларига кўрсатган таъсири асослаб берилган;

Ўрта Осиё, ўрта Шарқ, Мавритан Испанияси ва Шимолий Ҳиндистоннинг XIV–XVII асрлардаги боғ-парк санъати орасидаги боғлиқлик, меъморий-ландшафт ва композициявий ечимларидаги умумийлик ва фарқли томонлари очиб берилган;

мазкур мамлакатлардаги 38 та анъанавий “Чорбоғ” ва “Хиёбон”ларнинг меъморий режавий типлари, параметрлари, боғ иморатларининг турлари аниқланган ва қиёсий умумийлаштирилган.

XV аср қатор миниатюраларидаги бизгача сақланмаган боғларнинг меъморий-режавий хусусиятлари, ландшафт ва сув композициялари ўзаро мутаносибликда, геометрик пропорционалик ва уйғунликда шаклланганлиги исботланган;

Темурийлар даври “Чорбоғ”лари ва “Хиёбон”ларини Ўзбекистон ландшафт архитектурасида қайта тиклашнинг илмий-назарий ва лойихавий асослари (тарихий ва замонавий боғларнинг типлари, параметрлари, модул асосида режалаштириш, сув қурилмалари, ўсимликларни тўғри танлаш, боғ иморатларининг архитектурасига хос хусусиятлари) шакллантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари Амир Темур боғларини қайта тиклаш бўйича муаллиф томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги лойихавий таклифлар ва илмий тавсияларда ўз аксини топган:

Самарқанд шаҳрида Амир Темурнинг “Боғи Нақши Жаҳон” боғини қайта тиклаш лойихаси (2005й.);

Самарқанд давлат университетининг ботаника боғида “Боғи Чинор” анъанавий “Чорбоғ” лойихаси (2015 й.);

Тошкентда Ҳазрати Имом меъморий комплекси ҳудуди учун ишланган анъанавий “Чорбоғ” лойихаси (2015й.);

Туркистонда Хожа Ахмад Яссавий хонақоси ҳудудининг меъморий боғ лойихаси (2014й.);

Аристон Бобо мақбараси ва қадимий Ўтрор шаҳри яқинида Амир Темур хотира боғи лойихаси (2016й.);

Ўзбекистон иқлим шароитида анъанавий “Чорбоғ” ва “Хиёбон”ларни қайта тиклаш ва лойихалаш бўйича амалий тавсиялар (Самарқанд, 2017й.).

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган илмий ёндошув ва усуллар орқали мустақамланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқилган лойихавий таклифларда синовдан ўтказилганлиги, келтирилган таҳлиллар ва муаллиф ишлаб чиққан меъморий лойихаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, диссертациянинг хулосалари ва тадқиқот натижаларининг Республикадаги ваколатли ташкилотлар томонидан эътироф этилганлиги тўғрисидаги далолатномалар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ландшафт архитектураси назарияси ва тирихига Мовароуннаҳр, Эрон, Афғонистон, Мавритан Испанияси, Шимолий Ҳиндистон, Покистоннинг XIV–XVII асрлар “Чорбоғ”лари ва “Хиёбон”ларидан 38 таси тадқиқ қилинганлигида акс этган. “Ўрта Осиё анъанавий “Чорбоғ” услуги ва замонавий боғ–парк санъати” (Тошкент, 2012й.) ва “Садово–парковое искусство Бобуридов” (Тошкент, 2015й.) номли монографиялар ҳамда “Ўзбекистон табиий иқлим шароитида “Чорбоғ”ларни

лойиҳалаш” (Самарқанд 2012й.) номли услубий кўрсатмалар ўқув жараёнида кенг фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган “Ўзбекистон иқлим шароитида анъанавий “Чорбоғ” ва “Хиёбон”ларни қайта тиклаш ва лойиҳалаш бўйича амалий тавсиялар”да акс эттирилган бўлиб, улар Ўзбекистон эски шаҳарлари тарихий зоналарини қайта қуриш ва ландшафт архитектураси соҳасида фаолият кўрсатаётган лойиҳа-қурилиш ташкилотларининг амалий ишларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тарихий шаҳарлар ҳудудини кўкаламлаштириш ва ландшафт ташкиллаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишда “Чорбоғ” усулини қўллаш имкониятларини ёритишда Ф.1-86 “Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафкураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш”(2011-2016й.) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасининг “Шаҳарсозликнинг замонавий ривожланиш тамойиллари” деб номланган бўлимини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 8 ноябрдаги ФТА-02-11/1041-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши Ўзбекистон шароитида илк бор Темурийлар даври “Чорбоғ” услубини замонавий боғ-истироҳатчилик амалиётида қайта тиклашнинг самарали йўллари аниқлашга, ушбу анъанавий боғларни меъморий-режавий ташкиллаштириш ва кўкаламлаштириш усуллариининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш имконини берган;

шаҳарларнинг экологик шароитини яхшилашда ва аҳолининг рекреацион эҳтиёжларини қондиришда анъанавий боғ-парк санъатига хос турғун стереотипларни қайта тиклаш, шаҳарсозликнинг бадиий хусусиятларини такомиллаштиришга йўналтирилган прогрессив шаҳарсозлик усуллари яратишга боғлиқ бўлган лойиҳавий таклифлар амалиётга тадбиқ қилинган (“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК нинг 2017 йил 21 февралдаги 1-06/616-сонли далолатномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши ландшафт архитектурасини шакллантиришнинг анъанавий йўллариини амалий лойиҳаларда қўллаш имконини яратган;

ландшафт архитектураси ва боғ-парк санъатини такомиллаштиришда Темурийлар даври боғлари анъаналарини, яъни “Чорбоғ” ва “Хиёбон” усуллариини замонавий амалиётда қўллашнинг илмий-техник назарияси ишлаб чиқилган (Республика “Қишлоққурилишлойиҳа”МЧЖ Бош лойиҳа-қидирув институтининг 2017йил 20 февралдаги 219/02-сонли далолатномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётда қўлланилиши ландшафт архитектурасини шакллантиришнинг анъанавий йўллариини амалий лойиҳаларда қўллаш имконини берган;

ландшафт архитектураси юзасидан ишлаб чиқилган илмий-назарий концепциялар амалиётда лойиҳа ишларини яратишда фойдаланиш учун қабул қилинган (Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг 2016йил 17 августдаги далолатномаси). Мазкур тадқиқот натижалари Самарқанд

шаҳри ва вилояти тарихий муҳитида жойлашган меъморий обидалар ва боғ-парк худудларини кўкаламлаштиришда, дарахтлар, буталар ва гуллар турини танлаш, экиш ва парваришлаш усулларини ўрганиш ва тарихий худудларни замонавий жиҳатдан қайта тиклашга кенг имкониятлар очиб берган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий мақола ва тезислар эълон қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 20 та мақола, шу жумладан 8 таси хорижий, 13 таси республика нашрларида чоп этилган. Илмий конференциялар тўпламларида 8 та тезис, шулардан 4 таси хорижий анжуманлар материалларида; ҳамда 2 та монография ва 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 2 та жилддан ташкил топган. Ўзгариш матн қисми бўлиб, унинг ҳажми 175 бет: кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан, Ўзгариш альбом шаклида бўлиб, расм, режалар, схемалар, чизмалар, фотосуратлардан иборат. Тақдимот материаллари 42 x 59 см ўлчамли А2 форматдаги 38 та планшетларда диссертация ҳимоясига мўжалланиб, тақдимот учун тайёрланган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг услуби, илмий янгилиги ва натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги ҳақида маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи боби "**Меъморий шаклланган "Чорбоғ"-ларнинг ривожланиш илдизлари**" деб номланиб, унда Қадимги Миср(мил.ав. XXVII–XVIaa.), Месопотамия (мил.ав. XXIII–VIaa.), Хитой (мил. ав. XII– мил.ав XIIIaa.), Форс (мил.ав. VI–IV aa.), Юнонистон (мил.ав. V–II aa.), Рим империяси (мил.ав. Ia. – мил. IVa.) ва ўрта асрлардаги Япония (VIII–XVII aa.) ва Мавритан Испанияси (XIII aa.) боғларининг генезиси, қурилиш усуллари, меъморий-режавий ечимлари таҳлил қилиниб ва уларнинг "Чорбоғ" услубининг шаклланишига кўрсатган таъсири илмий аниқланган.

Меъморий шаклланган қадимий боғларни, "Буюк Ипак йўли" мамлакатлари санъати ва маданиятининг ўзаро бир-бирига таъсирини, савдо ва маданий алоқаларини, меъморлар ва олимларнинг ушбу мамлакатлараро миграциясини ўрганишдан маълум бўлишича, меъморий ташкиллашган "Чорбоғ"ларнинг шаклланишига қуйидаги усуллар таъсир кўрсатган:

Қадимги Миср (мил.ав. XXVII–XVIaa.) боғларининг геометрик тарҳи, сунъий суғориш тизими, ўсимликларнинг мунтазам тартибда экилиши ва сувдан фойдаланишдаги тежамкорлик. Корнакдаги Ментухотепларнинг эҳром боғлари (мил. ав. 2000–2160 йй.), Луксордаги Малика Хатшепсут ва Клеопатра боғлари (мил. ав. 1520–1500 йй.) баланд поғонасимон террасаларда қурилган. Уларнинг симметрик тарҳи, ўсимликлар, сув ҳавзалар,

гулзорларнинг жойлашиши шундан далолат берадики, боғдорчиликнинг илк босқичидаёқ мақсадга мувофиқлик, гўзалликка интилиш ва функциявийлик омиллари боғлар қурилишида асос бўлиб хизмат қилган.

Месопотамия (мил.ав. 2250-626йй.) боғларидаги яратилган табиий муҳитни ташқи салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш мақсадида баланд деворлар ва доим яшил дарахтларни қўллаш, рельефни сунъий погонлаштириш, осма боғлар бунёд этиш тажрибалари. Бу ҳудудда археологлар томонидан топилган мил.ав. IVнинг йилликларга доир сопол буюмларда ҳудуди тенг тўрт қисмга бўлинган, марказида боғ биноси ва ҳовуз жойлашган, четлари дарахтлар билан айлантилган боғлар расми тасвирланган. В.М. Строгецкийнинг фикрича, бу боғлар Бобилдаги шоҳ Гуделнинг (мил.ав тахм. 2340йй.) қурилган боғи ва Оссурия шоҳи Гетлат–Фаласар I нинг (мил.ав. 1100йй.) боғларига мансуб бўлиб, улар ҳимоя деворлари доирасида мунтазам геометрик тарзда ечилган, баланд дарахтлар эса сиғиниш объекти бўлиб хизмат қилган. Қадимги Юнон тарихчиси Д. Сицилийскийнинг маълумотига кўра, Семирамида “Осма боғлари” (мил. ав. 605–562 йй.) тўрт бурчакли бўлиб, поғонасимон тарзда юқорига қисқариб борган ва пастки қаватининг ҳар бир томони тўрт плетр (48 м)га тенг бўлган.

Қадимги Хитой (мил.ав. XII– милодий XIIIаа.) боғларига хос хусусиятлар: қалб ҳоловатига шароит яратиш, хотиржамлик, атроф муҳитдан ҳолилик, медитация, табиат ва инсон уйғунлигини англаш. Пекиндаги “Емабана”, “Ихэюан”, “Бейхай”, “Чжунхай”, “Нанвхай” боғларида архитектура табиат гўзаллигини англашда иккинчи даражали рол ўйнайди, табиатнинг мафтункор бурчакларини эстетик тўлдиришга хизмат қилади.

Ахамонийлар (мил.ав. 600-486йй.) "найридез"ларида боғ ҳудудини ички ва ташқи муҳитларга функционал ажратиш, ўзаро перпендикуляр кесишувчи сув каналларидан ҳосил бўлган тўрт қисмли боғ, шоҳ Буюк Кирнинг қабрини боғ марказига жойлаштириш хосдир. Самаррадаги археологик қазишмалар чоғида топилган сопол идишдаги расмга кўра, шоҳ Кир I нинг боғлари мунтазам режага эга бўлган. Тарихчи Аструнахрнинг фикрича, Буюк Кир даврига доир (мил. ав. 600–576 йй.) Писаргаддаги шоҳ боғининг ечими - бу боғ марказига ўрнатилиб қурилган биринчи мақбарадир.

Қадимги Юнонистоннинг (мил.ав.V–II аа.) Герронлар номли муқаддас боғ-ўрмонларидан кўкаламларнинг функциявийлиги ва ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш, боғ санъатидан диний маданиятнинг ажралмас қисми тарзида фойдаланиш; композициядаги тенг вазнлик, миқёс (модул) тизими, симметрия ва ритм тамойиллари. Миср боғларидан фарқ қилиб юнон Герронларида поғонасимон шаклдаги мунтазам симметрик режали композициялар вужудга келади, сув юқорига гидравлик қурилмалар ёрдамида чиқарилади. Ландшафт дизайнининг асосий тамойили кўкаламларнинг алоҳида вазифавийлиги, гўзаллик ва бадий композициялар ҳақидаги тушунчалар эса мутаносиблик тизимига асосланади.

Сосонийлар даври (224-632йй.) боғларидан - боғ ҳудудининг тўрт қисмга бўлиниши, сувдан тежамли фойдаланиш, кам миқдордаги сувдан максимал

фойда олиш, боғни девор билан айлантириш. Бу даврда ов қилиш боғлари, кўриқхоналар, перпендикуляр ўқлар асосида шаклланган боғлар, улар ўқи бўйлаб жойлашган пиёдалар учун хиёбонлар, фавворалар, чорраҳадаги катта ҳовуз қошида эса “Кўшк” (сарой) жойлашиши шаклланади.

Рим Республикаси (мил.ав. Ia. – милодий Va.) боғларидан - боғ тархидаги қатъий мунтазамлик, симметрия ва масштаблилик, боғ периметри бўйлаб манзарали дарахтларни экиш, жамоат боғлари, виллалар қошидаги боғлар, фруктарийлар, доривор боғларни шакллантириш. Бу даврда боғларни суғориш учун тоғ этаклари сувларидан, ерости акведуклари, гидротехник иншоотлардан фойдаланилади.

Куръон ва Ҳадисларнинг таъсири орқали ердаги боғларга "Жаннат ал-Фирдавс" боғининг рамзи берилади, Чорбоғ ҳудудини тенг тўрт қисмга бўлиш, ҳовузлар қошида эса “Кўшк-сарой” шаклланади.

Ўрта аср Япон боғларидан (милодий VIII–XVIIаа.) - сарой боғларининг тантанаворлиги, турар жойни ёки эҳромни боғ марказида жойлаштириш, улардан боғининг мафтункор бурчакларига кўринишлар очии, архитектура ва яшилликни уйғунлаштириш мақсадида боғ павильонларининг ўсимликсимон нақшлар билан безатилиши. Япониянинг жозибадор боғлари (“Дзито–дзи”, “Кумуш павильон”, “Какнкау–дзи”, “Кацура”) табиат гўзаллигини англаш, қалб ҳаловати мақсадларига хизмат қилади, мутаносиблик ва бадий тақт тушунчаларига асосланади.

Мауритан Испанияси боғларидан (милодий XIIIа.) - очиқ ва ёпиқ муҳитларнинг такрорланиши, кўздан ҳолилаштирилган яшил ҳовлиларнинг яратилиши, "яширин архитектура", ўсимлик ва сув композицияларининг тенг вазнлиги, боғ кўркининг фавқулотда самара беришидан фойдаланиши. Бунга ёрқин мисол бўлиб Альгамбрадаги - Мирт ва Шерлар ҳовлиси, Даракс боғи, Генералифдаги Канал ҳовлиси, Султон боғи, Патио де ла Асекия, Аль Қасрдаги Қаср аль Муборак, Кордобадага Қасос де Контрасьен боғлари хизмат қилади.

Иккинчи боб “Ўрта Осиё ва Эрон (XIV–XVIIаа.) боғ–парк санъатининг ўзаро таъсири” деб номланиб, у Қадимги Сўғдиёна, Бактрия, Хоразм боғларини, Самарқанднинг Темурийлар даври ва Эроннинг Сафавийлар даври боғ-парк қурилиш санъатини ўрганишига бағишланган. Қадимги Хоразмнинг (IV–XII аа.) Дев-Кескан, Оқ-Калъа шаҳарчаларига яқин жойлашган боғларида (XIII а.), Амударё ўзанларига яқин жойлашган Дженд (XIIIа.), Вазир ва Шахсанам (XIIа.) боғларида саройларни сув ҳавзалари ёнида, ҳовуз олдида, тўғри бурчакли гулзорлар ва мевали дарахтлар қошида қуриш усули мажассамлаштирилган (С.П.Толстов, В.В. Бартольд).

Ўрта Осиёда боғ қурилиши Мовароуннаҳрда Амир Темур ва Темурийлар даврида ва Эрондаги Сафавийлар даврида ўзининг кульминацион тараққиётига этади. М.Е. Массоннинг тадқиқотида кўра, Самарқанд ва Ҳиротда Зарафшон дарёси ва Инжил каналидан суғориладиган шаҳар ташқарисидаги жойларда Амир Темур ва Темурийлар Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқда биринчи бўлиб "Чорбоғ"лар “гулчамбари”ни бунёд этадилар: Боғи

Баланд, Боғи Зағон, Боғи Дилкушо, Боғи Нақшижаҳон, Боғи Жаҳоннома, Боғи Давлатобод, Боғи Бехишт, Боғи Чинор, Боғи Сафед, Боғи Нав ва бошқалар ўзларининг жойлашган жойлари ёки меъморий ландшафт кўрки билан аталди.

Темурийларнинг боғ-парк санъатига киритган иккинчи янгилиги-бу боғларни ўзаро ва шаҳар дарвозалари билан боғловчи кенг "Хиёбон"лар бўлган. "Бобурнома"да эслатиб ўтилган Самарқанддаги "Кўчайи Хиёбон" Амир Темурнинг "Боғи Бўлди" боғидан хисорнинг "Коризгоҳ" дарвозасигача, бошқа "Хиёбон" эса "Коризгоҳ" дарвозасидан шаҳар хорижидаги "Хожа Кафшир"гача бир неча километрга чўзилган. Ҳирот шаҳри деворларидан бошланган кенг "Хиёбон" ҳам бир неча километрга чўзилиб, шаҳарни Парафомиз тоғи этагидаги Гузаргоҳда жойлашган Абдуллох Ансорий макбараси билан боғлаган. Г.А. Пугаченкованинг ёзишича, "XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухорода Абу Бакр Саад (Чор-Бакр) мажмуасини шаҳар дарвозалари билан боғловчи "Хиёбон"нинг узунлиги 6 км бўлган"⁶⁶.

Темурийларнинг машҳур боғларини вақт аямади, бироқ улар ҳақидаги маълумотларни ўша давр ёзма манбалари ва миниатюраларидан олиш мумкин. Масалан, Ҳиротда 1515-1516 йилларда чоп этилган "Иршад-аз Зир'а"⁶⁷ зироатчилик трактати боғларни кўкаламлаштиришгабағишланган бўлиб, унда боғ параметри бўйлаб баланд манзаравий дарахтларни экиш, боғ марказига эса янгиланиш рамзини англатувчи мевали дарахтларни экиш кўрсатилган. Шарқ боғбонлари "Чорбоғ" ва "Хиёбон" ларни кўкаламлаштиришда гуллаш ва мевалар пишишнинг узлуксизлигига, улар орасидаги эстетик уйғунликни таъминлашга муваффақ бўлганлар. Бу эса европача парклардаги дарахтсимон ўсимликларни танлашда кўлланиладиган манзаравий нисбат тамойилига тўлалигича контрастдир.

Меъморий ташкиллашган "Чорбоғ" тарҳи мунтазам ўқлар бўйлаб шакллан-тирилиши билан ажралиб туради. Асосий ҳудуднинг тўртта ўлан - "Чорчаман"ларга бўлиниши, уларнинг атрофлари эса барча томонлардан боғ айвони ёки сарой -"кўшк" билан айлантирилгани билан тафсивланади. Профессор Д.А. Нозиловнинг фикрича, "боғ четини девор ва доводарахтлар билан айлантириш усули - бу иссиқ иқлим шароитида ташқи ёқимсиз муҳитдан ҳоли бўлиш, кўкаламлаштириш ва ободонлаштириш орқали чанг-тўзондан, куёш радиациясидан ҳимояланиш ва дам олиш учун қулай микро оазис яратишга ёрдам берган"⁶⁸.

"Хиёбон" бу, одатда, эни 15-30м бўлган чўзинчоқ, тарҳи мунтазам, ариқ бўйлаб кўп қаторли дарахтлар экилган, тўлиқ соя берувчи чизикли боғдир. Ҳар 150-300метрда ҳаракат ритми хиёбон ўқи бўйлаб кўшк ёки ҳовуз жойлашган майдонлар билан бўлиниб турилган.

Академик Г.А. Пугаченкова Ўрта Осиё меъморларининг юксак янгиликларини назарда тутиб, 1370-1501йиллар орасидаги даврни италянча "Кватроченто"га ўхшатиб "Темурийлар Ренессанси" деб номлаган.

⁶⁶Пугаченкова Г.А. Из художественной сокровищницы Среднего Востока. – Т., 1987. – С.185-214

⁶⁷Ниезий, Зироат Фи ИлмилХиросат. УзФАШИ рукопись. - № 555, 42с

⁶⁸Нозилов Д.А. «Чор-баг» - Т.: ДТУ 1997.

Ҳақиқатдан ҳам ушбу даврда Ўрта Осиё меъморлари Эронинг шаҳарсозлик маданиятига хусусан Ҳирот, Исфохон, Кошон шаҳарлари режавий ечимларини тартибга солишда, янги магистрал кўчаларни ўтказишда, шаҳар ансамблларини яратишда жиддий таъсир кўрсатадики, уларнинг аҳамияти шаҳар тузилишига киритилган ранглар билан бўрттирилади. Амир Темурнинг Майдони Кадимдаги Жоме масжидини кенгайтириши, "Нақши Жаҳон" ва "Аббос обод" боғларини яратиши, уларни Исфохон билан "Хиёбон" орқали боғлаши эрон олимлари Н. Ардалан ва Л. Бахтиярларнинг⁶⁹ «Самарқанд ва Ҳиротдаги Темурийлар боғлари Эрондаги Сафавийлар (XVI-XVIIаа.) боғларининг ибтидоси» деб хулоса қилишига асос булган. М.Қ. Аҳмедов маълумотига кўра, «Самарқанд шаҳри меъморчилигининг услуги бутун мамлакат худудига: Бухоро, Шаҳрисабз, Балх, Ҳирот, Марв, Машхад, Нишопур, Исфохон, Кошон, Кармон, Натанз, Язд, Туркистон бўйлаб тарқалган».⁷⁰

Сафавийлар мактаби боғ-парк санъатининг муҳим янгилиги боғнинг анъанавий шакллари: "Чорбоғ" ва "Хиёбон"ларни яхлит бир яшил "Шаҳар-боғ" ансамблига бирлаштириш бўлдики, бу XVIIа. боғ-парк санъатида улкан воқеликка айланди. "Шаҳарбоғда" 20 та "Чорбоғ" яхлит бир стилистик режавий композицияга боғланган, икки томондан ҳар бири уч қаторлик "Хиёбон"лар билан чегараланган, улар эса ўз навбатида 8 қатор чинорлар, тераклар, жасминлардан шакллантирилиб, ҳар 300 метрда фавворалар ва сув каналлари тизими билан тўлдирилган. William Hanaway га кўра, «"Шаҳар-боғ" ўзининг Заяндах дарёсигача 1650метрга чўзилган яшил маскани билан шаҳар аэрациясини таъминловчи яшил коридор бўлиб хизмат қилади»⁷¹.

"Шаҳар-боғ" парк ансамблига бирлашган аксари боғларнинг параметрлари 200 (150)х150 м дан тортиб то 300х200 ва 450х270метр гача боради ("Чхел–Сутун", "Хашт–Беҳишт"). Катта ўлчамли боғларга эса Самарқанд ёнидаги "Боғи Дилкушо" (1000х1050м), "Боғи Давлатобод" (750–780х1450–1475м) боғлари ва Ҳирот ёнидаги "Боғи Жаҳонаро" (53 га) киради. Ўрта Шарқ, Ўрта Осиё ва Мавритан Испанияси боғ-парк санъатининг ўзаро таъсири натижасида меъморий ташкиллашган боғларнинг тўрт хил режавий схемаси тарихий шаклланган:

1. Периметрал девор – боғ – марказий кўшк (сарой) (Самарқанддаги "Давлатобод", Исфохондаги "Фарахобод" боғлари);

2. Периметрал қурилиш – боғ (Алгамбрадаги "Миртлар ҳовлиси", Кошондаги "Боғи–Фин", Исфохондаги "Хашт–Беҳишт"). Ушбу боғларда сув каналининг ўқи бўйлаб, меъморий боғларга хос бўлган фазовий ритм ҳамда нур ва соя контрастини яратган ҳолда турли тарздаги архитектуравий муҳитлар такрорланади (боғ-иморат-боғ);

⁶⁹ Ardalan N. Bakhtiar L. «Sens of unity. The University of Chicago Press. 1973

⁷⁰ М.Қ. Аҳмедов ЎртаОсиёмеъморчилигитарихи. - Т., 1996.

⁷¹ William Hanaway: Paradise on Earth: The Terrastrial Garden in Persin Literature in: Ettinghansen Waschington. 1976

3. "Хиёбон" - чўзинчоқ боғ марказидаги ўқ бўйлаб йўл, ариқ ва ҳар 150-300 метрда фаввора жойлашган. Ҳаракат ритми бир қатор ва кўпқатор қилиб экилган бир турдаги дарахтлар билан шакллантирилган (Самарқанддаги Кўчаи Хиёбон, Ҳиротдаги Гузаргоҳ Хиёбони, Бухородаги "Чор-Бакр", Исфahондаги Хиёбон);

4. Хиёбон атрофида шаклланган турли параметрлардаги боғлар, бироқ яхлит услубда тузилган боғ-парк шаҳарсозлик ансамбли (Исфahондаги "Шаҳар-боғ"). Бунда, "Хиёбон" ушбу ансамбл марказий композицияси ҳисобланиб, боғларни ўзига бирлаштирган ансамбл ташкил қилган ва инсон масштабига мос эмоционал таъсир кўрсатувчи гўзал ландшафт яратган.

Диссертациянинг **"Бобурийларнинг меъморий боғлари (XVI–XVIII аа.)"** деб номланган учинчи бобида Шимолий Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистон табиий иқлим шароитларида Бобурийлар бунёд этган боғларнинг ўзига хос хусусиятлари, меъморий ташкиллаштирилиш тамойиллари ва типологияси таҳлил қилинган. Кашмирдаги Шалимар, Нишат, Ачабал, Чашма Шоҳи боғлари, Лаҳордаги Шалимар боғи, мудофаа комплекслари таркибидаги сарой боғлари, Бобурийларнинг мақбара боғлари ва уларга хос хусусиятлар ва фарқли томонлари очиқ берилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган Темурийлар ва Сафавийлар боғларининг режавий тузилиш тамойиллари Бобурийлар боғларида айтарлиқ ўзгармади, бунинг устига иссиқ қуруқ иқлим шароитида микроиқлим яратувчи боғ элементлари ҳатто мукаддаслик даражасигача ривожлантирилди. Боғ композициясининг бош элементи ҳисобланган сув ҳавзаларининг роли кучайтирилди, улар боғ архитектурасининг режавий тузилиши билан уйғунлаштирилди. Ўрта Осиё боғларидаги ариқлар ўрнига Бобурийлар боғларида сув поғоналари, кенг каналлар ва бассейнлар шакллантирилдики, улар айна пайтда қурғоқчилик пайтларида фойдаланиладиган сув омборлари ролини бажарди (Лаҳордаги "Шалимар", Аградаги Фатехпур Сикри сарой-боғлари). Бобурийлар меъморлари поғонасимон рельефларда "Чадар"лар, "Чинни-хана"лар, сув бассейни марказида дам олишга мўлжалланган тош тахт-"Чабутра"лар- ер рельефи билан боғлиқ ландшафт қурилмаларидан кенг фойдаландилар. Қиялик жойлардаги боғлар бош ўқлари бўйлаб поғонасимон кўринишда шакллантирилди (Кашмирдаги "Шалимар", "Нишад-боғ", "Арчабал", "Чашма-Шоҳи" боғлари), текис ҳудудларда эса боғлар бир нечта бош ўқлар бўйлаб шаклланди.

Шаҳар ташқарисидаги боғларга яққол мисол тарзида Лаҳордаги Шоҳ Жаҳон ташаббуси билан яратилган Шалимар боғини келтириш мумкин. Тўрт атрофи деворлар билан тўсилган ушбу боғ, ҳар бири олдингисидан 4-5 м баланд бўлиб, учта поғонадан жанубдан шимолга Равви дарёси соҳилларга пасайиб борувчи ҳудудда жойлашган. «Боғ тарҳининг мунтазам геометрик бўлинишлари, каналлар ва бассейнлар симметриясидан ташқари, боғда зодиакнинг астрологик белгилари, нумерология ва символикалардан

фойдаланилган»⁷². Агра, Дехли, Лахорнинг мудофаа комплекслари таркибидаги сарой боғларида архитектуранинг мавқеи ўсимликларга кўра юқори бўлган. Боғлар ва ёпиқ ҳажм такрорланиб туриши, саройлар интерьерлари ва экстерьерларида (Девони- Ам, ва Хос Маҳал) ўсимликсимон нақшлардан фойдаланиш яшиллик ва архитектурани ўзаро уйғунлаштиришга хизмат қилган, интерьерларга эса мўъжаз фаввораларни киритиш орқали микроиклим яхшилаган.

Бобурийларнинг мемориал боғлари режасида мунтазамликни кучайтириш орқали боғ иморатларининг маҳобатлилигини оширишга эришилган. Илк ҳиндулар символикасига кўра, рангли тошлардан иморатларни пардозлашда фойдаланишда ижтимоий тоифалар иерархияси ўрнатилган: оқ тош барахманлар учун (диндорлар тоифаси), қизил тошлар кшатрийлар (харбийлар тоифаси) учун белгиланган. Ушбу вазиятдан келиб чиқиб, Жаҳонгир ва Шохжаҳонлар ўз иморатларини пардозлашда оқ рангли тошлардан фойдаланиб, ўзларини Ҳиндистон ҳукмдорлари деб ҳисобланган бўлсалар, Ҳумоюн ва Акбарлар кизил рангли тошларни қўллаб, ўзларига ҳарбийлар рамзини берган. Сарой ва мақбарани сув каналлари ўқининг перспективасига жойлаштириш, бино гўзаллигининг сув каналлари юзасида аксланишини уларнинг эмоционал таъсирини кучайтирган (Ҳумоюн, Акбар, Тож - Маҳал мақбаралари).

Ўрта Осиё боғларида, яъни боғларни гуллар билан безашда уларнинг узлуксиз гуллаб туриш тамойилини қўллашдан фарқли ўлароқ, ҳинд боғларида бир вақтнинг ўзида гуллаш колористик самарасига эришиш ҳамда боғнинг бошқа ҳудудлари билан контрастга кириш мақсадида бир турдаги гулларнинг етакчилиги асосида гулзор муҳитлар яратиш тажрибаси амал қилган.

Шундай қилиб, Бобурийлар боғлари учта асосий турга бўлинган ва куйидаги функцияларни бажарган:

I. Саройлар таркибидаги боғлар – ҳукмронлик даражасидаги функцияларни бажаришга хизмат қилган. Темурийлар боғларига ихтибос бериб, Бобурийлар боғлари ҳам шоҳларга тож кийдириш маросимларини, тантаналар ўтказиш, элчиларни қабул қилиш ва дипломатик алоқалар мақсадларида фойдаланилган (Девони-Ам саройи қошидаги боғ, Фатехпур Сикри, Лаҳор ва Дехлиннинг Қизил қасрларидаги боғлар).

II. Бобурийларнинг дам олишга мўлжалланган шаҳар ташқарисидаги боғлари – географик даражадаги функцияларни бажарган. Бундай боғларнинг поғонасимон шаршаралардан оқиб тушаётган кучли сув оқимлари атрофида шакллантирилгани Бобур Мирзо ва Бобурийларга Ўрта Осиёнинг гўзал дарёлари ва асл ватанини эслатиб турган (Лаҳордаги "Шалимар", Кашмирдаги "Арчабал", "Нишат", "Чашма-Шоҳи" боғлари).

III. Мемориал боғлар – метофизик даражадаги функцияни бажариб, уларда Қуръон бўйича Жаннат боғига ихтибос қилинган, ибодатлар пайтида

⁷²SajjadKausar, MichaelBrand, Jamesl, Jr.Wescjat. «Shalimar Garden Lahore».-Pakistan. 19-23p

медитация ўтказишга мос жой сифатида қаралган. Подшоҳларнинг аجدодлар руҳини абадийлаштириш мақсадида Хумаюн, Акбар, Жаҳонгир ва Шох-Жаҳон, Мумтаз Махал мақбаралари атрофида боғлар бунёд этилган.

Меъм. ф. д. А.С. Уралов чорбоғларнинг режавий тузилиши модул тизимига асосланганлиги ҳақидаги гипотезани илгари сурган. Тадқиқот натижасида бизгача сақланган қуйидаги 20 та ўрта аср боғларининг режавий тузилишини таҳлил қилиб, мазкур гипотезанинг тўғри эканлигини исботлади ва, ҳаттоки, қуйидаги боғлар тузилишида "асосий модулни" топишга, чаманлар, боғ кўшклари, сув қурилмалари ўлчамларининг такрорланишида "ҳаракатланувчи квадрат" тамойилидан фойдаланилганини аниқлашга муваффақ бўлди:

Эроннинг: Сарой боғлари: "Фарах-обод" XVIа., "Чхел сутун" XVIIа., "Хашт Бехишт" XVIIа., "Шаҳар боғ" XVIIа. (Исфаҳон ш.), "Боғи Фин" XVIа. (Кошон ш.), "Боғи Давлат Обод" (Язд ш.) XVIIа.;

Шимолий Хиндистоннинг: 1) Дехлидаги Хумаюн мемориал боғи XVI аср.; Аградаги Акбар шох, Итимад-уд-Даула, "Тож-Маҳал" XVII аср мақбара боғ саройлари; 2) Кашмирдаги шаҳар ташқариси боғлари: "Арчабал" ва "Чашма Шоҳи боғ", "Шалимар" ва "Нишат боғи", XVII а.;

Покистоннинг: 1) Лаҳордаги шаҳар ташқариси "Шалимар" ва "Шохдара боғи", 2) Лаҳордаги "Хирон Минор ов боғи" XVII а.;

Афғонистоннинг: 1) Кабулдаги Мирзо Бобур мемориал боғи—"Боғи-Бобур" XVIа.;

Ўзбекистоннинг: 1) Қўқон шаҳридаги Худоёрхон сарой боғи, XVIII аср, 2) Бухоро шаҳридаги "Ситораи Моҳи Хосса" сарой боғи, XIXа.

Ушбу боғларнинг режавий тузилишида "ҳаракатланувчи квадрат"дан фойдаланилган бўлиб, қуйидагилар "асосий модул" бўлиб хизмат қилган:

- А. Боғ биноси қурилган такурсининг эни (Лаҳордаги Жаҳонгир мақбараси қошидаги "Шохдара" боғи, Акбаршоҳ мемориал боғи) боғларнинг Чаманлар ўлчамларида такрорланган. Дехлидаги Хумаюн мемориал боғида эса модул Чорчаманларнинг ўлчамларида акс эттирилган;
- В. Боғнинг бош сув ҳавзаси эни (Лаҳордаги Шалимар боғи). Бу ерда модул Чаманлар ўлчамларига тенг;
- С. Сарой биносининг эни (Аградаги Тож-Маҳал ва Итимад-уд-Даула мақбара боғлари, Қўқондаги Худоёрхон ва Бухородаги Ситораи Моҳи Хосса сарой боғлари) бу боғлардаги Чорчаманларнинг ўлчамларига мос тушган;
- Д. Чаманлар ўлчами (Лаҳор ва Дехли Фортларидаги боғлар).

Диссертациянинг тўртинчи боби **Ўзбекистон ландшафт архитектура-сида "Чорбоғ" ва "Хиёбон"ларни шакллантиришнинг концептуал асослари** деб номланиб, унда мазкур ишдаги илмий материалларни таҳлил қилиш асосида қуйидагилар илгари сўрилди:

I. Меъморий ташкиллашган "Чорбоғ"нинг структураси.

"Чорбоғ" ва "Хиёбон"ларни функционал белгилари, шаҳар худудида, шаҳар четида ва ташқарисида жойлашишга қараб тўртта типга бўлиш тавсия этилган:

1-тип. Периметрал девор билан айлантирилган "Чорбоғ" →ўртада иморат (кўшк). Ушбу типдаги боғларни шаҳар ташқарисида жойлаштириш тавсия этилади;

2-тип. Периметрал қурилиш билан айлантирилган→ "Чорбоғ" ёки уларнинг алмашиб такрорланиши. Ушбу типдаги боғларни шаҳар ичида жойлаштириш тавсия этилади;

3-тип. Чизикли боғ-"Хиёбон". Боғларни ўзаро ва шаҳар билан боғлайди;

4-тип."Хиёбон" ва "Чорбоғ"лардан ташкил топган боғ-парк ансамбли. Шаҳар ташқарисида жойлаштириш тавсия этилади, чунки ушбу боғ-парк ансамбли таркибига интенсив боғлар ва фермер хужаликлари ҳудудларини ҳам қиритиш мумкин.

II. "Чорбоғ" композициясининг назарий асослари:

а) Яхлитлик. Боғ архитектураси, сув қурилмалари ва ўсимликлар орасидаги уйғунликда, иморатлар тарҳига сув ҳавзаларини; интерьер ва бинолар тарҳига эса ўсимликсимон нақшларни киритишда акс этирилади;

б) Мутаносиблик. Ҳудуднинг "асосий модул" усулини қўллаш орқали пропорционал, яъни каррали қисмларга бўлиниши лойиҳалашнинг бошланғич ўзаги ҳисобланиб, боғ ўлчамлари ва иморатнинг ўзаро миқёсий мос келишини таъминлайди;

в) Симметрия. Боғ композициясини бирлаштиради, сарой ёки мақбарани, ўсимликларни, чаманларнинг жойлашини мувофиқлаштиради, уларнинг мавқеини оширади ва бош дарвозанинг ўрнини белгилайди;

г) Стил (услуб). "Чорбоғ"ни меъморий шакллантириш воситалари, режавий ташкиллаштиришнинг бадий усулларини бирлаштиради, йўналишни белгилайди;

д) Боғ муҳитини ҳолилаштириш. Боғга кириш қисмининг тарҳи тирсакли режага эга бўлиб, бу боғ ички муҳитининг томошабин кўз олдида фавқулотда очилиш самарасини беради ва ёдгорликнинг бадий эмоционал таъсирини оширади.

III. Боғни лойиҳалашда боғ тарҳининг симметрик ўқларга боғланган аниқ геометрик чизмаси ҳал қилувчи кучга эга. Суғориладиган ерларда боғнинг геометрик тарҳи ирригациянинг амалий талабларидан келиб чиқади ва боғ ҳудудини квадрат ёки тўғри тўрт қисмли ёки панжарали режавий ечимга, ер рельефи билан боғлиқ бир-бирига каррали (модулли) мутаносиб ҳудудларга бўлади. Текис ҳудудлардаги боғлар тарҳи симметрик ечимда, ўқларнинг кесишуви бўйлаб шаклланган композицияга эга бўлади. Рельефли жойларда эса боғ ҳудуди бош ўқ бўйлаб поғонасимон ҳудудларда, табиат билан уйғунлашган тарздаги ечимларга эга бўлади.

IV. Боғ параметрлари пиёдаларҳаракати ва боғ бунёд этилаётган жой имкониятларидан келиб чиқиб, қуйида тавсия этилаётган ўлчамларда бўлишлиги кўзда тутилган: кичик боғлар - 200x300м, 300x300м, 400x400м ва катталари 400–500м. Йирик боғлар эса (1000x1000; 1000x1500 м) услубий яхлит ва композициявий бир-бирига бирлашган кичик ва катта боғлардан

ташкил топади. "Хиёбон"лар эса муайян шахарсозлик шароитларидан келиб чиқиб, эни 50-150м ва узунлиги 3дан 5км гача лойиҳаланиши мумкин.

V. *Сув қурилмалари.* "Чорбоғ"ларнинг бош композициявий белгиси, муҳим аниқловчи қурилмаси бўлиб- оқар сув хизмат қилади. Марказий ҳовуз ёки фаввора ва ундан тўрт томонга тарқалган сув каналлари, уларга параллел йулақлар боғ худудининг композициясини аниқлайди ва боғни тўрт қисмга, яъни "Чаман"ларга, "Чаман"ларни эса "Чорчаман"ларга ажратади. Боғдаги сувлар оқими "ҳаракат–ҳаловат–ҳаракат" концепциясига асосланади. Сув оқимининг ҳаракати ва ҳаловати ўртасидаги балансни сақлаб туриш учун боғ рельефи поғоналарида ўйма тош плиталардан фойдаланилади. Текис худудларда катта ҳовузлар яратилиб, сув ичида дам олиш учун тоштахталар яратилади. Фаввораларнинг шакллари квадрат, тўғри тўртбурчак ёки саккиз бурчаклидир.

VI. *Ўсимликлар.* "Чорбоғ"ларнинг ўсимликлари манзарали ва мевали дарахтлардан, буталар ва гулзорлар, майсазорлардан иборатдир. Фақат мақбара боғларгина гулзорлар, манзарали буталар ва дарахтлар билан чегараланади. Гулларни танлашда уларнинг давомийлигига, бирин–кетин узлуксиз очилишига, меваларнинг эса бирин–кетин етилишига эътибор берилади. "Хиёбон" ландшафт схемаси чизиқли боғ тарзида мўъжаз боғлар тизимига қириб, умумий услуб билан боғланган микроландшафтлар яратади.

VII. *Боғ иморатларининг архитектураси* меъморий шаклларнинг пропор-ционал тизимига асосланган. Сув, кўкаламлар ва архитектура орасидаги ўзаро мутаносибликка ҳамда сарой тарҳига унча катта бўлмаган фавворали ҳовузни киритиш ёки интерьер ва экстерьерлар безакларида ўсимликсимон нақшлардан фойдаланиш орқали эришилади. Деворлардаги кошинлар билан пардозланган токчалар, равоқлар ва уларнинг геометрик ёғоч ва керамик панжаралар билан ёпилиши қуёш нурининг майин тарқалишига, салқин ҳаво шабадасининг ҳаракатланиш, атроф муҳит масштабига мослашиш имконини беради.

ХУЛОСА

Диссертацияда бажарилган тадқиқотларга асосланиб, қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

1. "Чорбоғ" услубидаги меъморий ташкиллаштирилган боғлар ва "Хиёбон"лар типологияси XIV–XV асрларда Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиё халқлари санъати ва маданиятининг ўзаро таъсири асосида шаклланиб, бу мамлакатлар меъморлари ва боғбонларига Қадимги Миср (мил.ав. XXVII–XVIаа.), Месопотамия ва Бобил (мил.ав. XXIII–VIаа.), Хитой (мил. ав. XII– милодий XIIIаа.), Форс (мил.ав. VI–IV аа.), Юнонистон (мил.ав.V–II аа.), Рим империяси (мил.ав. Iа.– милодий IVа.), Қуръон ва Ҳадисларнинг таъсири (милодий VII–VIII аа.), ўрта асрлардаги Япония (VIII–XVIIаа.) ва Мавритан Испанияси (XIIIаа.) боғларининг боғ-парк қурилиши усуллари маълум эди.

2. Боғ–парк санъати ўзининг юкори чўққисига Мовароуннахрда Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида (XIV–XV аа.), Эронда Сафавийлар даврида (XVI–XVIIаа.), Шимолий Ҳиндистонда Бобурийлар даврида (XVI–XVIIаа.)эришди. Меъморий ташкиллашган "Чорбоғ" усули ушбу мамлакатлар боғ-парк санъатининг расмий бадиий услубига айланди ва маданий меросининг ажралмас қисми бўлиб, аҳолининг истироҳат эҳтиёжларига, табиат билан уйғунлашиш, ҳукмдорларга тож кийдириш, байрам-тантаналарини ўтказишга ва мемориал боғлар тарзида хизмат қилди.

3. Темурийларнинг боғ-паркчиликдаги янгилиги XIV–XV асрларда Самарқанд ва Ҳирот шаҳарлари атрофида ўзаро ва шаҳарлар билан "Ҳиёбон"лар орқали боғлаган "Чорбоғ"лар гулчамбарини яратишда акс этди. Сафавийларнинг Исфохон боғ-паркчилигидаги янгилиги эса ушбу иккита анъанавий шакллар: "Чорбоғ"лар ва "Ҳиёбон"ни яхлит бир боғ–парк ансамбли–"Шаҳарбоғ"да мужассамлантириб XVII асрнинг боғ–парк санъатидаги ноёб воқеликка айлантиришидир.

4. Ўрта Осиё ва Эрон боғларидан фарқли тарзда Бобурийлар боғларида сувнинг роли муқаддаслаштирилди; режавий мунтазамлик кучайтирилди, боғ иморатларининг маҳобатлилиги ошди; боғлар кўлами ва вазифаларининг ўзгариши очиқ муҳитлар, каналлар, сув ҳавзалари майдонини оширишга имкон туғдирди; боғ иморатларининг пардозлари учун рангли тошларни танлаш тоифаларга бўлинди.

5. Вазифалари ва шаҳарларда ҳамда шаҳарлар четида жойлашишига қараб меъморий- ташкиллашган "Чор-боғ" ва "Ҳиёбонлар" диссертант томонидан 4 типга бўлинган: 1) Шаҳарлар ташқарисидаги боғлар; 2) Жамоат бинолари таркибидаги боғлар; 3) Ҳиёбонлар; 4) Чор-боғ ва Ҳиёбонлардан тузилган боғ-парк ансамбллари.

6. Ўрта Осиё, Ўрта Шарқ, Шимолий Ҳиндистон ва Покистоннинг 38та "Чор-боғ" ва "Ҳиёбонлар"ининг параметрлари, тузилиш услублари, типларини жадвал шаклида тадқиқ қилиш ва таққослаш натижасида уларнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимларидаги қонуният аниқланган, келажакда уларни лойиҳалаш учун "Чор-боғ" кичик, катта ва йирик ўлчамлилар тавсия қилинган.

7. Диссертант бажарган режавий таҳлил "Чор-боғ"ларни лойиҳалашнинг "модул", яъни "миқёс" услубини аниқлашга имконини берган. Бу эса Республикамиз сув танқислиги шароитида боғларни геометрик мунтазам бўлишлигини такозо этади. Текис ҳудудларда боғ режасини ўзаро кесишувчи ўқлар бўйлаб симметрик композицияда, рельефларни қиялик жойларда эса, поғонали тарздашакллантириш тавсия этилади.

8. "Чор-боғ" ва "Ҳиёбонлар" учун энг асосий ва муҳим элемент - бу оқар сувнинг мавжудлигидир. "Чор-боғ" ландшафти бирин-кетингуллаб турувчи гулзорлар, буталар, манзарали ва мевали дарахтлардан ташкил топиши зарур. Сув, усимликлар ва боғ бинолари архитектураси орасидаги уйғунлик боғ саройи интерьерига, мўжаз фавворалари бассейн ёки интерьер ва экстерьерлар бекларга ислимий нақшларни қиритиш орқали таъминланади.

9. Диссертация "Чор-боғ" ўсимликларни танлаш, уларни Ўзбекистоннинг кескин ўзгарувчан об-ҳаво шароитида экологияни яхшилаш ва қулай микроклим яратиш мақсадида экиш усуллари тавсия этилган.

10. Илмий ишда "Чор-боғ" ва "Хиёбонлар"ни Ўзбекистон ландшафт архитектурасида қайта тиклашнинг иқтисодий самарадорлиги асосланган бўлиб, унга кўра мазкур боғларда ободонлаштириш даражасининг юқори даражада бўлганлиги туфайли кичик худудларда кўп сонли аҳолининг дам олиш мумкинлигини кўрсатилган.

11. "Чор-боғ"ларни этнографик музейлар қошида ташкил этиш; "Мустақиллик", "Наврўз", "Ер саховати", "Рамазон" ва "Қурбон хаит" миллий байрамларини ўтказиш жойлари тарзида фойдаланиш; Республикамиз экотуризм индустриясини ошириш такомиллаштириш ва инвесторлар капиталини жалб қилиш имкониятларини ҳам беради.

12. Ўрта Осиё меъморий ёдгорликлари ва шаҳарларидаги тарихий зоналарни қайта қуриш, улар ҳудудини кўкаламлаштириш ва ландшафт ташкиллаштириш талаб этилган ҳолатларда биз айнан мазкур диссертацияда тадқиқ этилган меъморий-ташкиллашган "Чорбоғ" усулини қўллашни таклиф этамизки, бу ёдгорликларнинг атроф муҳит билан уйғунлашишига, обидалар пойдеворининг намланмаслигига ва чўкмаслигига ёрдам беради ва бу ҳолатлар 17.10.2009йилда тасдиқланган "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш ҳақида"ги Республика Қонунига тамоман мос келади.

Диссертантнинг фикрича, Темурийларнинг "Чорбоғ" ва "Хиёбон" услубларида қайта тикланган боғлари, Ўзбекистон ландшафт архитектурасида ўзига хослик ва тарихий анъаналарни қайта яратишга хизмат қилиши билан бирга, атроф муҳит экологиясини яхшилаш, ташқи ва ички туризмни такомиллаштириш, Республикамиз аҳолисини яшаш тарзини янги даражага чиқариш имконини ҳам беради.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.27.06.2017.A.11.02 AT TASHKENT
ARCHITECTURAL - CONSTRUCTION INSTITUTE**

**SAMARKAND STATE ARCHITECTURAL AND
CIVIL ENGINEERING INSTITUTE**

SADIKOVA SITORA-BONU NEMATDJONOVNA

**SCIENTIFIC – TECHNICAL BASIS OF REVIVAL THE TEMURIDS
GARDENS IN LANDSCAPE ARCHITECTURE OF UZBEKISTAN**

**18.00.02 – Regional planning. Town planning.
Planning of the rural settlements. Landscape architecture.
Architecture of buildings and structures.**

**DISSERTATION ABSTRACT OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)
ON ARCHITECTURE**

Tashkent - 2018

The theme of the doctoral dissertation (PhD) is registered in the Supreme Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under B2017.2.PhD/A4

The doctoral dissertation (PhD) was carried out at Samarkand State Architectural and Civil Engineering Institute.

The abstract of the dissertation is posted in two languages (Uzbek, Russian) languages on the website of Scientific Council: [http:// www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/avtooref.html](http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/avtooref.html) and on the Informational and educational portal "ZIYONET": www.ziyonet.uz

Scientific Consultant: **Akhtam Sindarovich Uralov**
Doctor of Architecture

Official Opponents: **Salimov Arifdjan Muslimovich**
Doctor of architecture, professor

Umarov Aziz Mirfozilovich
Philosophy Doctor on architecture

Leading Organization: Art Institute of Academy of sciences
of the Republic of Uzbekistan

The defense of the thesis will be held on « 7th » April, 2018 at «10.00», at a meeting of Scientific Council by № DSc27.06.2017.A.11.02 at Tashkent architectural - construction institute (Address: 100011, Tashkent city, Navoiy Street, 13., Tel: +99871 241-10-84, fax: +99871 241-13-90. Web page: www.taqi.uz, e-mail: info@taqi.uz. Main building, small conference hall of the Tashkent architectural- construction institute).

The doctoral (PhD) dissertation has been registered in the Information-resource center of Tashkent Architecture -Construction Institute by # 9 , it is possible to review it in IRC (100011, Uzbekistan, Tashkent, Navoiy Street, 13) Phone: (99871) 241-10-84, Fax: 241-80-00; Main building, 1st floor.

The abstract of the dissertation is distributed out on _____«____», 2018
(Registry record №_____ dated «____» _____, 2018).

D.A. Nozilov
Chairman of the Scientific Council Awarding scientific degrees,
Doctor of Architecture, professor

T. Sh. Mamatmusaev
Secretary of Scientific Council Awarding scientific degrees,
Philosophy Doctor of Architecture

T.A. Hidoyatov
Chairperson of the Scientific Seminar at the Scientific
Council Awarding scientific degrees,
Doctor of Architecture, professor

INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

The purpose of research work: is improvement and development of effective ways of revival of traditional landscape gardening art of the period of Temurids in modern landscape architecture of Uzbekistan.

Research object: Ancient gardens of Sogd and Khwarezm (the 12th-13th centuries.), Transoxiana (14-15centuries), Mauritian Spain (XIII-XVII cc.), Sefevids' Iran (15th-17th centuries.), Northern India, Pakistan and Afghanistan (the 16-18th centuries).

Scientific novelty of the research work is as follows:

genesis of ancient gardens of Egypt, Mesopotamia, Persia, Greece, Rome, China, Sogda, Medieval Japan, Mauritian Spain for the purpose of identification of the techniques and receptions of a garden planning which have influenced on formation of the "Chor-bag" gardens and "Hiaban" boulevards of the 14th - 15th centuries is scientifically proved;

the interference fact, common and distinctive features of landscape gardening art of the Middle East, Central Asia, Mauritian Spain and Northern India of the period of the 14th-17th centuries are elicited;

types, parameters and methods of creation of 38 "Chor-bag" gardens and "Hiaban" boulevards (of above -mentioned regions) are investigated and specified in the summary table;

for the purpose of identification of features of architectural, vegetable and water compositions, the graphic-analytical analysis of miniatures, illustrating the gardens of XV-XVI cc. period is held;

scientific - theoretical bases (types and parameters, modularity of creation of gardens, water devices, selection of plants, architecture of garden objects) and design offers on revival "Chor-bags" and "Hiabans" of Temurids in landscape architecture of Uzbekistan are formulated.

Implementation of the research results. Introduction of results of a research were conducted in the following directions:

results of a dissertation research may be considered in at design and improvement of territories of the historical cities, in use of Chorbag style in design of landscape projects, applied in preparation of the section "Principles of Development of Modern Town Planning" of the project of basic research F.1-86 "A research of regularities of formation of architecture of Uzbekistan on the basis of the idea of national independence and development of the principles of its effective development" (2011-2016) (The Information leaflet of the Agency on science and technologies of the Republic of Uzbekistan No. FTA-02-11/1041 of 08.11. 2017). Use of scientific results of a research allowed to cover for the first time in Uzbekistan architectural and planning features of improvement and gardening of the "Chor-bag" style gardens of Temurid's period, to define effective ways of revival them in modern landscape gardening practice;

for the purpose of satisfaction of recreational demand of the population and improvement of ecological conditions of Uzbekistan the design offers directed to creation of progressive methods of town planning and improvement of its art features, to revival of traditional landscape gardening art are developed: "O'zshaharsozlik LITI" DUK (Act of introduction of 21.02.2017 No. 1-06/616). Use of scientific results gave the chance to use traditional ways of formation of landscape architecture in practical projects;

for improvement of landscape architecture and landscape gardening art scientific-theoretical recommendations about practical application of traditions of gardening of the Temurid's period, namely introductions of the gardens "Chor-bag" and "Hiaban" boulevards are formulated: "Qishloqqurilishloyiha" (Act of introduction of 20.02.2017 No. 2019/02). Use in practice of these offers gave the chance to use traditional ways of formation of landscape architecture in practical projects;

the scientific-theoretical concept developed in the sphere of landscape architecture was accepted for use in practice of creation of project works, in activities of Head department for architecture and construction of the Samarkand region (The act of introduction of GUAS of 17.08.2016). Results of this research opened ample opportunities on gardening of gardens and territories of architectural monuments in a historical zone of the city of Samarkand and Samarkand region, on selection of trees, bushes and flowers, need of studying of methods of landing and care of them, on restoration by modern methods of historical territories.

Structure and amount of the dissertation. Dissertation work consists of two volumes. The volume I is a text part of 175 pages, consists of introduction, four heads with conclusions, list of abbreviations & references. The volume II is an album of illustrations, which consists of tables, drawings, photos, pictures, that both represented in 43 paper tablets of A2 (size - 42x59 cm) for presentation.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РУЙХАТИ
LIST OF PUBLISHED WORKS**

I часть (I бўлим; I part)

1. Уралов А.С., Садикова С.Н. Ўрта Осиё анъанавий «Чорбоғ» услуги ва замонавийбоғ-парк санъати. Монография. – Тошкент: «San’at» журнали нашриёти, 2012. – 127 с.
2. Садикова С.Н. Садово-парковое искусство Бабуридов. Монография.– Ташкент: Изд-во Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2015.–244 с.
3. Садикова С.Н. Рекомендации по проектированию садов «Чор-баг» в условиях климата Узбекистана. - Самарканд: СамГАСИ.– 2012, 53 с.
4. Садикова С.Н. Сад Шалимар в г. Лахоре. // Проблемы архитектуры и строительства. Научно-технический журнал СамГАСИ, 2007.– №4, с.23–26. (18.00.00. Мил. н. № 2).
5. Садикова С.Н. Исламская архитектура и садово-парковое искусство империи Сефевидов (1502–1736) в Иране. // «Проблемы архитектуры и строительства». Научно-технический журнал СамГАСИ. – Самарканд, 2010. – №4. – С. 16–19. (18.00.00. Мил. н. № 2)
6. Садикова С.Н. Исламская архитектура Османских султанов (архитектурные сады в ансамблях). // «Проблемы архитектуры и строительства». Научно-технический журнал СамГАСИ. – Самарканд, 2011. – №1. – С. 24–25. (18.00.00. Мил. н. № 2).
7. Садикова С.Н., Уралов. А.С. Важные аспекты проектирования и разработки проектов по теме «Традиционные сады Чор-баг». // «Проблемы архитектуры и строительства». Научно-технический журнал СамГАСИ, 2012. – №2. – С. 45–50. (18.00.00. Мил. н. № 2).
8. Садикова С.Н. Сады Герата и Самарканда XV–XVI вв. // Актуальные проблемы современной науки. – М: Спутник+, 2013. – № 3 (71). – С 132–135.
9. Садикова С.Н. Концепция возрождения традиционных садов «Чор-баг» в ландшафтной архитектуре Узбекистана.// «Архитектура и строительство Узбекистана». – Ташкент, 2012. – № 3,4. – С. 73–77. (18.00.00. Мил. н. № 7)
10. Садикова С.Н. Сады Бабуридов.// «Мозийдан садо». – Ташкент, 2012. – №1(53) (18.00.00. Мил. н. № 3).
11. Садикова С.Н. Древнее садовое искусство Средней Азии. // Век науки и образования. – Астана, 2012. – №7–9 (39–41). – С. 11–16.
12. Садикова С.Н. Сады Мавераннахра и средневекового Ирана. // «Мозийдан садо». – Ташкент, 2012. – № 3(55). – С. 30–32. (18.00.00. Мил. н. № 3).
13. Садикова С.Н. The traditional Charbagh gardens in Uzbekistan`s urban landscapes. // «Journal of landscape architecture». – India, New Delhi: LA 2013.11 (# 39). – pp. 68–76.
14. Садикова С.Н. Genesis of the Samarkand`s Garden Art and Medieval Iran`s Art in the Period of the XIII–XVII Centuries.//«Young Scientist USA. Humanities». – USA, Lulu, 2013., pp. 164–168.
15. Садикова С.Н. The Restoration of the Gardens in Medieval Samarkand. // «Young Scientist USA». Humanities. – USA, Lulu, 2013. – pp. 169–176.
16. Садикова С.Н. Взаимовлияние садово-паркового искусства Мавераннахра и Средневекового Ирана в период XIII–XVII вв., Журнал «Архитектура и строительство Узбекистана».- Ташкент, 2013г. -№ 01, 02. (18.00.00. Мил. н. № 7).
17. Садикова С.Н. Научно-технические основы возрождения садово-паркового искусства Темуридов в ландшафтной архитектуре Узбекистана. Журнал «Архитектура и строительство Узбекистана».- Ташкент, 2014г. -№ 04. (18.00.00. Мил. н. №7).
18. Садикова С.Н. Садовое искусство эпохи Темуридов в миниатюрах и литературных источниках XV в.// Журнал «Санъат».- Ташкент, 2015.-№4, с 19-22.(18.00.00. Мил. н. № 5)
19. Садикова С.Н. Мемориальный сад «Баги Бабур» в Кабуле// Вестник ККО Академии наук РУз. – Ташкент, 2016.- № 1, с. 134-104. (18.00.00. Мил. н. № 8)
20. Садикова С.Н. The Mutual Influence in Gardening Art of Iran and Maverannachr of XV-XVI Centuries. // International Journal of Science and Research.–Raipur, India./Volume 5 Issue 2, February, 2016.– pp.1392-1395. Impact Factor 5.116. (18.00.00. Евр. н. № 4)

21. Садикова С.Н. Traditional paradise gardens of Mauritian Spain of XIII-XV centuries.// International Journal of Science and Research.– Raipur, India./Volume 5 Issue 3, March, 2016.– pp. 1320-1324. Impact Factor 5.116. (18.00.00. Евр. н. № 4)
22. Садикова С.Н. Особенности формирования ландшафтно-рекреационных зон агломерации городов Узбекистана.// Журнал «Архитектура, строительство, дизайн» Международная Ассоциация Союзов Архитекторов.- Россия. Москва, №1-2, 2016. (18.00.00. МДХ, н. № 1)
23. Садикова С.Н. Садовое убранство в миниатюрах XV в. «Изденик». – Международный научный журнал-приложение Республики Казахстан.- Алматы, №2(2), 2016
24. Садикова С.Н. Великолепные сады Ирана: Наренжестан, Эрам, Давлет-Абад/ Научно-технический журнал СамГАСИ, «Проблемы архитектуры и строительства». – Самарканд, 2016г. - №3. (18.00.00. Мил. н. №2)

II часть (II бўлим; II part)

25. Садикова С.Н., Уралов А.С. К проблеме возрождения традиционного сада «Чор-баг» в садово-парковом искусстве Узбекистана (на примере садов Темуридов и Бабуридов).// Материалы Республиканской научно-практической конференции Узбекистан, Самарканд: СамГАСИ,-28-29.05. 2010г.
26. Садикова С.Н. Особенности формирования исламских садов Мавританской Испании XIII–XIVвв. // Сборник материалов научно-технической конференции «Архитектурно-строительное образование Казахстана: развитие и перспективы». КазГАСА, г. Алматы: 04.11.2011. – С. 109–115.
27. Садикова С.Н. Баг-и Бабур – жемчужина архитектурных мемориальных садов Бабуридов.//Материалы международной конференции ГАСИ «Современная архитектура и инновации». – Ташкент, 2012. – С. 150–151.
28. Садикова С.Н. Сады и парки Самарканда XV века в литературных источниках //Труды международной научно-практической конференции «Ауэзовские чтения-11». Казахстан на пути к обществу знаний: инновационные направления развития науки, образования и культуры», посвященной 115-летию юбилею Мухтара Ауэзова. –Шымкент, 2012. – С. 80–84.
29. Садикова С.Н. Исторический генезис и преемственность архитектурного сада «Чор-баг» и его ведущие принципы.// Материалы Республиканской научно-практической конференции СамГАСИ: «Ўзбекистонда шаҳарсозлик ва ландшафт архитектурасини ривожлантиришнинг долзарб мауммолари» – Самарканд, 2013. – С. 35-37.
30. Садикова С.Н. Концептуальные рекомендации по организации садов «Чор-баг» в зеленом строительстве Узбекистана. //Материалы традиционной республиканской научно-практической конференции молодых ученых, магистрантов и студентов: «Иқтидорли ёшлар ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини руёбга чиқариш»: Тез. докл. – Самарканд, 2013. – С. 51–55.
31. Садикова С.Н. Принципы организации загородных зеленых зон для отдыха населения Средней Азии.// "Региональные архитектурно-художественные школы" материалы международной научно - практической конференции. Изд.: "СИБПРИНТ".- Россия, г. Новосибирск,- 5-7 февраля 2013г., 377стр.
32. Садикова С.Н. Улучшение индустрии эко туризма Республики Узбекистан путем возрождения утраченных садов Темуридов. Инновацион жараёнларни ривожлантиришда олималарнинг ўрни" мавзусидаги олималар ва иқтидорли талабаларнинг Республика илмийғамалий анжуман материаллари. (322бет). Самарқанд: "Олима" Ўзбекистон хотин кизлар уюшмаси, - май 2017й.

Автореферат «Архитектура. Қурилиш. Дизайн.» журналыда тахрирдан ўтказилди
(05.03.2018 йил).

Босишга рухсат этилди: _____ йил
Бичими 60x44 ¹/₁₆, «Times New Roman»
гарнитурада рақамли босма усулида босилди.
Шартли босма табағи 3,1. Адади: 100. Буюртма: № _____.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент, Интизор кўчаси, 68

«АКАДЕМИЯ НОШИРЛИК МАРКАЗИ»
Давлат унитар корхонасида чоп этилди.